

## ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ: ЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ УМУМИЙ МАСЪУЛИЯТ

Хусейнова Абира Амановна

Омбудсманнинг Бухоро вилояти минтақавий вакили,  
фалсафа фанлари доктори, профессор  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18708542>

### Аннотация

Илмий мақолада экологик ҳуқуқ давлат органлари ёки экологлар учун эмас, балки ҳар бир фуқаро учун ҳам муҳимдир. Чунки соғлом муҳитда яшаш — инсоннинг асосий ҳуқуқларидан биридир. Экологик қонунларга риоя қилиш орқали табиатни асраш, жамоат саломатлигини муҳофаза қилиш ва иқтисодий барқарорликка эришиш мумкин. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид қонунлар, давлат дастурлари ва миллий стратегиялар қабул қилинмоқда. Бу ҳужжатлар экологик маданиятни ошириш ва экологик хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** экология, соғлом муҳит, экологик маданият, илм-фан, ютуқлар.

### Аннотация

В научной статье освещается ряд нормативно-правовых документов по экологическое законодательство. Ведь жизнь в здоровой окружающей среде — одно из основных прав человека. Соблюдение природоохранного законодательства позволяет сохранять природу, защищать здоровье населения и достигать экономической стабильности. В Республике Узбекистан принимаются законы, государственные программы и национальные стратегии по охране окружающей среды. Эти документы служат для повышения экологической культуры и обеспечения экологической безопасности.

**Ключевые слова:** экология, здоровая окружающая среда, экологическая культура, наука, достижения.

### Abstract

This scientific article examines a number of regulatory documents on environmental legislation. Living in a healthy environment is a fundamental human right. Compliance with environmental legislation helps preserve nature, protect public health, and achieve economic stability. The Republic of Uzbekistan adopts laws, state programs, and national strategies for environmental protection. These documents serve to enhance environmental awareness and ensure environmental safety.

**Keywords:** ecology, healthy environment, environmental awareness, science, achievements.

Маълумки, бугунги кунда экологик муаммолар бутун инсониятни ташвишга солаётган энг долзарб масалалардан бирига айланди. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши, ичимлик суви танқислиги, ҳаво сифатининг ёмонлашиши, иқлим ўзгариши, ўрмонларнинг қисқариши ва биологик хилма-хилликнинг йўқолиши каби муаммолар нафақат табиатга, балки инсон саломатлиги ва жамият барқарорлигига ҳам жиддий хавф солмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларда инсонларнинг экологик ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган.

Хўш, экологик ҳуқуқ нима? Экологик ҳуқуқ - бу табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар тизимидир. У фуқаролар, корхоналар ва давлат органларининг атроф-муҳитга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

Экологик ҳуқуқнинг энг асосий мақсади — инсон ва табиат ўртасида мувозанатни сақлаш, келажак авлодлар учун соғлом ва хавфсиз муҳитни таъминлашдир.

Инсонлар томонидан табиатнинг ифлосланиши саноат чиқиндилари, маиший ахлат, транспорт воситалари ва табиий ресурслардан меъёрсиз фойдаланиш натижасида юзага келади. Бу жараён ҳаво, сув ва тупроқ сифатининг ёмонлашувига олиб келиб, инсон саломатлигига жиддий хавф туғдиради. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши биологик хилма-хилликнинг камайиши ва табиий мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлади. Натижада экологик муаммолар ижтимоий-иқтисодий барқарорликка салбий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда қуйидаги экологик муаммолар алоҳида ташвиш уйғотмоқда:

- **Ҳаво ифлосланиши**

- — саноат корхоналари, автомобиллар ва энергия ишлаб чиқариш жараёнлари атмосферага зарарли моддалар чиқаришга сабаб бўлмоқда.

- **Сув ресурсларининг камайиши ва ифлосланиши**

- — ичимлик суви захираларининг қисқариши инсон ҳаёти учун катта хавфдир.

- **Маиший ва саноат чиқиндилари**

- — чиқиндиларни қайта ишлаш тизимининг етарли эмаслиги экологик вазиятни оғирлаштирмоқда.

- **Иқлим ўзгариши**

- — глобал иссиқ қурғоқчилик, табиий офатлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари камайишига олиб келмоқда.

- **Биологик хилма-хилликнинг йўқолиши**

- — ҳайвонот ва ўсимлик турларининг камайиши табиат тизими барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Экологик ҳуқуқ фақатгина давлат органлари ёки экологлар учун эмас, балки ҳар бир фуқаро учун ҳам муҳимдир. Чунки соғлом муҳитда яшаш — инсоннинг асосий ҳуқуқларидан биридир. Экологик қонунларга риоя қилиш орқали табиатни асраш, жамоат саломатлигини муҳофаза қилиш ва иқтисодий барқарорликка эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид қонунлар, давлат дастурлари ва миллий стратегиялар қабул қилинмоқда. Бу ҳужжатлар экологик маданиятни ошириш ва экологик хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Экологик муаммоларни ҳал этишда фақат давлат эмас, балки ҳар бир инсон ҳам масъулдир. Чиқиндиларни саралаш, сув ва энергияни тежаш, дарахт экиш, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш — бу кичик амаллар катта натижаларга олиб келиши мумкин. Одамзот доимо табиат қўйнида фаолият кўрсатади, у билан узлуксизмуносабатда бўлиб келмоқда. Бу фаолият оқилона ташкил этилмаса, у билан муносабат тўғри ўрнатилмаса, инсон ўзи ва табиат учун муаммолар келтириб чиқаради. Ҳозирги даврда фан – техника инқилоби шароитида табиат ресурсларидан кенг миқёсда фойдаланиш ҳамда атроф – муҳитни ифлослантирувчи саноат, транспорт, қишлоқ

хўжалиги ва маиший чиқиндиларнинг ортиши инсоннинг табиатга, атроф – муҳитга кўрсатаётган умумий салбий таъсирини кескин кучайтирмоқда.

Экологик ҳуқуқ — бу фақат қонунлар мажмуаси эмас, балки жамиятнинг табиатга бўлган онгли муносабатидир. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бугунги куннинг эмас, балки келажак авлодлар олдидаги масъулиятимиздир.

Ҳозирги глобал экологик муаммолар шароитида экологик тарбия масаласи фақат таълим муассасалари ёки давлат сиёсати доирасида эмас, балки **оила институти** билан бевосита боғлиқ ҳолда кўриб чиқилиши зарур. Бунинг моҳияти шундаки, инсоннинг табиатга бўлган муносабати, экологик онги ва масъулияти, энг аввало, оила муҳитида шаклланади. Мазкур ғоя Шарқ мутафаккирларининг фалсафий, ахлоқий ва педагогик меросида ҳам чуқур илмий-ғоявий асосга эга.

Таъкидлаш жоизки, оила экологик онг шаклланишининг илк мактабидир. Илмий нуқтаи назардан оила инсон шахсининг биринчи ижтимоийлашув муҳити бўлиб, унда ахлоқий, маънавий ва экологик қадриятлар шаклланади. Шарқ тафаккурида инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар ҳар доим уйғунлик, меъёр ва масъулият тамойиллари асосида талқин қилинган. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб табиатни муҳофаза этиш глобал (сайёравий) муаммога айланди. Инсоният маданияти ва цивилизация тақдири худди ана шу муаммони ҳал этишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Юртбошимиз экологик муаммо тўғрисида сўз юритиб, «экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсидаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажак кўп жиҳатдан ана шу муаммоларнинг ҳал қилинишига боғлиқдир. Экология хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган» деган эди. 1

Бу борада фактларга мурожаат этсак, аҳвол яққол намоён бўлади. Ҳозирги кунда жаҳоннинг мамлакатларида аҳоли сони тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Дунё бўйича 1930 йилда 2 млрд, 1960 йилда 3 млрд, 1986 йилда 5 млрд, ҳозирги вақтда эса 6,3 – 6,5 млрд га етди. Бунга, албатта тиббиёт хизматининг, озиқ – овқат, уй – жой ва бошқа ижтимоий таъминотнинг яхшилиги сабаб бўлмоқда.

Аммо, аҳоли сонининг ўсиб бориши табиий муҳитга салбий таъсир этиб, атроф – муҳитнинг ифлосланишига олиб келмоқда. Бу борада Абу Наср Фаробий инсон тарбияси ҳақида сўз юритар экан, муҳитнинг, айниқса оиланинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини таъкидлайди. Мутафаккир фикрича, инсон табиат билан уйғун яшашни ахлоқий тарбия орқали англайди. Фаробий табиатга зиён етказишни жамият ахлоқий таназулининг белгиси сифатида баҳолайди.

Ислом фалсафаси ва шарқ мутафаккирлари асарларида табиатга эҳтиёткорона муносабат ахлоқий бурч сифатида талқин қилинади. Қуръони Карим ва ҳадисларда исрофгарчиликни қоралаш, сув, ер, ўсимлик ва ҳайвонотни асрашга чақириш экологик тарбиянинг маънавий асосини ташкил этади.

Имом Ғаззолий ўз асарларида инсоннинг табиатга муносабатини унинг ички маънавий поклиги билан боғлайди. Унга кўра, табиатга зиён етказиш нафақат иқтисодий ёки ижтимоий, балки ахлоқий гуноҳ ҳамдир. Бу қарашлар, аввало, оилада фарзанд тарбияси жараёнида синдирилиши лозим.

Абу Али ибн Сино инсон саломатлиги ва табиат ўртасида узвий боғлиқликни илмий жиҳатдан асослаб берган мутафаккирлардан биридир. У ҳаво, сув, озуқа ва атроф-муҳитнинг инсон ҳаётидаги ўрнини алоҳида таъкидлаб, соғлом муҳитни сақлаш инсоннинг маънавий ва жисмоний камолоти учун зарур шарт эканлигини таъкидлаб ўтади.

Ибн Сино таълимотига кўра, болада табиатга эҳтиром ҳисси оилада шаклланади. Агар ота-она табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлса, бу қадрият фарзанд онгига табиий равишда сингиб боради.

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий ижодида инсон, табиат ва жамият ўртасидаги уйғунлик марказий ғоялардан бири ҳисобланади. У табиатни Аллоҳнинг неъмат сифатида талқин қилиб, уни асрашни инсоннинг маънавий бурчи деб билади. Навоий асарларида дарахт экиш, ерни обод қилиш, сувни қадрлаш каби ғоялар ахлоқий фазилат сифатида кўрсатилади. Мутафаккир қарашларига кўра, оилада болага табиатга меҳр, тежамкорлик ва масъулият ҳиссини ўргатиш — комил инсонни шакллантиришнинг муҳим шартидир.

Шарқ мутафаккирлари таълимотлари замонавий экологик тарбия концепциялари билан уйғунлашиб, қуйидаги хулосани беришга имкон яратади: **экологик маданият қонун ёки мажбурият орқали эмас, балки оилада шакланган қадриятлар орқали барқарор тус олади.**

Болада табиатга эҳтиёткорона муносабат, ресурсларни тежаш, атроф-муҳитни асраш кўникмалари ота-онанинг шахсий намунаси орқали шаклланади. Бу эса, ўз навбатида, жамият миқёсида экологик хавфсизликни таъминлашнинг энг самарали йўли ҳисобланади.

Экологик тарбияни оилада изчил ва мақсадли ташкил этиш муайян вазифаларни тизимли равишда амалга оширишни талаб қилади.

Оиладаги энг муҳим вазифалардан бири болада табиат, атроф-муҳит ва инсон фаолияти ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳақида дастлабки экологик тасавурларни шакллантиришдир. Бу жараён сув, ҳаво, ер, ўсимлик ва ҳайвонотнинг ҳаётдаги аҳамиятини тушунтириш; табиатга етказилган зарарнинг оқибатларини оддий мисоллар орқали англатиш; экологик муаммоларга нисбатан бепарқликка йўл қўймаслик орқали амалга оширилади.

Иккинчидан, табиатга эҳтиёткорона муносабатни тарбиялаш. Экологик тарбия фақат билим бериш билан чекланмасдан, табиатга нисбатан масъулиятли муносабатни шакллантиришни кўзда тутаяди. Ота-оналар болага ўсимлик ва ҳайвонларга озор бермаслик; дарахт, гул ва яшил ҳудудларни асраш; атроф-муҳитни ифлос қилмаслик каби одатларни кундалик ҳаётда ўргатишлари лозим.

Учинчидан, оилада экологик тарбиянинг муҳим вазифаларидан яна бири экологик ахлоқни шакллантиришдир. Бу исрофгарчиликдан сақланиш; табиат неъматларига эҳтиром билан муносабатда бўлиш; экологик меъёрларга ихтиёрий равишда риоя қилиш каби фазилатларни бола онгига сингдириш орқали намоён бўлади.

Тўртинчидан, тежамкорлик ва оқилона фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш. Замонавий экологик муаммолар шароитида оилада қуйидаги амалий кўникмаларни шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга: сув ва электр энергиясини тежаб

ишлатиш; маиший чиқиндиларни камайтириш ва саралаш; қайта ишлаш маданиятини тарбиялаш. Бу вазифалар болада экологик масъулият билан бирга иқтисодий онгни ҳам ривожлантиради.

Бешинчидан, ота-онанинг шахсий намунасини таъминлаш. Илмий-педагогик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бола кўпроқ айтилган сўзлардан эмас, балки катталарнинг амалий хулқ-атворидан ўрнак олади. Шу сабабли экологик тарбияни амалга оширишда ота-онанинг табиатга нисбатан эҳтиёткор муносабати; чиқиндиларни тўғри бошқариши; жамоат жойларида экологик маданиятга риоя қилиши энг самарали тарбиявий восита ҳисобланади.

Олтинчидан, экологик фаолликни рағбатлантириш. Оилада болани экологик фаолликка ундаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу дарахт экиш акцияларида иштирок этиш; ҳовли ёки маҳалла тозалигига ҳисса қўшиш; экологик байрам ва тадбирларда фаол қатнашиш орқали амалга оширилади.

Еттинчидан, экологик таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Оиладаги экологик тарбия мактаб ва жамоатчилик фаолияти билан уйғун бўлиши лозим. Ота-оналар мактабдаги экологик дастурларни қўллаб-қувватлаши; боланинг экологик билимларини мустаҳкамлаши; педагоглар билан ҳамкорлик қилиши орқали тарбия самарадорлигини оширишлари мумкин.

Таъкидлаш жоизки, оилада экологик тарбияни амалга ошириш — бу бир марталик тадбир эмас, балки узлуксиз, мақсадли ва тизимли жараёндир. Экологик онг, ахлоқ, тежамкорлик ва масъулият туйғуси айнан оилада шаклланиб, жамият миқёсида экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Шу маънода, ҳар бир оила экологик тарбиянинг фаол субъекти сифатида иштирок этиши замонавий жамият учун стратегик аҳамиятга эга.

Экологик ҳуқуқ инсоннинг соғлом ва хавфсиз атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқини кафолатлайди, шу боис у инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Чунки тоза ҳаво, соф сув ва экологик барқарор муҳит бўлмасдан туриб, ҳаёт ва саломатлик ҳуқуқини тўла таъминлаш мумкин эмас. Демак, экологик ҳуқуқ инсон қадр-қиммати ва ҳаёт сифати билан бевосита боғлиқдир. Ҳозирги пайтда сайёрамиздаги фойдали ерларнинг майдони 13,5 млрд гектарга тенг. Шундан 1,4 гектар маданий ерлар (экинзор боғлар), 1,1 млрд ерлар бузилган, яъни ўсимликлар ўстириш учун кераксиз бўлиб қолган, тежамкорсизлик билан ишлатилган майдонлар 4,4 млрд гектар, чўл, ярим чўл, Арктика, Антарктика, юқори тоғли чўллар майдони – 3,3 млрд гектар, инсоннинг салбий фаолияти натижасида фойдали ерларнинг 1 млрд гектари чўлларга қўшилган.

Ҳозирги кунда сайёрамизда ерларнинг 300 млн гектари шўрланган, фойдасиз ҳолга келган, 600 – 700 млн. гектари эса эрозияга учраб, маҳсулдорлиги паст бўлиб қолган.

Сайёрамиз бўйича ўзлаштирилмаган 0,9 млрд гектар ер қолган, холос. Фойдали ерларнинг ишдан чиқишига табиат қонунини бузиш, хўжасизлик билан келажакни кўра олмасдан фойдаланиш сабаб бўлган. Инсон йилига Ер бағридан 100 млрд тонна хом ашё, шундан 1 млрд тонна нефть, 2 млрд тонна кўмир ва кўплаб газ қазиб олмақда. Ҳар йили атмосферага 8 – 9 млрд тонна CO<sub>2</sub> қўшилган. Шу сабабли бу газнинг атмосферадаги миқдори 18 % га ортганлиги туфайли планетанинг ҳарорат 10 C - 20C кўтарилган. Бу муҳитда катта салбий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Арктика, Антарктика ва юқори тоғ музликларининг эриши туфайли дунё океанининг сатҳи кўтарилмоқда, қанча – қанча ерлар, экинзорлар, қишлоқ ва шаҳарларни сув босмоқда. Бундай офат ва ҳалокатларининг дунёнинг айрим ҳудудларида содир бўлишининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакка, охириги йилларда Ер атмосферасининг таркиби антропоген омилларнинг таъсири туфайли ёмон томонга ўзгариб бормоқда. Сайёрамиз атмосферасининг газ таркибида ўзгариш сезилмоқда, кислороднинг сарфланиши 16 мартагача ошиб кетган.

Шунинг учун унинг миқдори жиҳатдан камайиш тенденцияси кузатилмоқда, карбонат ангидриднинг (CO<sub>2</sub>) миқдори эса ошиб бормоқда. Агар ўтган асрнинг ўрталарида атмосфера таркибида CO<sub>2</sub> нинг миқдори 0,02% бўлса, ҳозирги вақтда бу рақам 0,03% гача ошган.

Ташқи муҳитга чиқариладиган CO<sub>2</sub> нинг 31% ни АҚШ, 18% ни МДҲ мамлакатлари, 7% ни Хитой, 5,4% ни Олмония, 4,7% ни Япония, 3% ни Франция чиқариб ташламоқда. Қолган 31% ни эса бошқа мамлакатларнинг ҳисобига тўғри келади. Аммо, шуни ҳам таъкидлаш керакки кейинги йилларда газнинг миқдори бундан ҳам ортиб бориш тенденцияси кузатилмоқда.

АҚШда атмосферанинг ифлосланишида кўрилган зарар йилига 50 – 60 млрд долларни ташкил этмоқда.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда дунёнинг тараққий этган мамлакатлари табиат муҳофазасига йилига миллий даромаднинг 10 – 12 % ини ажратмоқдалар. Ўтмишда наботот ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга яхши эътибор берилмади, улардан самарали фойдаланишда ҳам жиддий хатоликларга йўл қўйилди. Шу сабабли буларнинг қимматли турлари йўқ қилинди.

Кейинги йилларда Республикамизда табиатни, наботот ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан унумли фойдаланиш тўғрисида бир қатор қонунлар, қарорлар қабул қилинди ва бу борада чора – тадбирлар кучайди, илмий ва амалий жиҳатларига кўпроқ аҳамият берилмоқда.

Бугунги кунда инсоният ер юзасида яшаб қолиши учун техника, космос мўъжизалари эмас, энг аввало ичимлик сувининг етали бўлиши лозимлигини яхши англаб етди.

Айниқса Африка, Осиё қитъаларида ичимлик суви жуда танқис ва бу қитъаларнинг айрим ҳудудларида қурғоқчилик кенгайган ва у келтириб чиқарган очарчилик натижасида эса миллионлаб одамлар ҳалок бўлмоқда ва 30 миллиондан ортиқ кишининг ҳаёти хатар остида.

Ҳозирги пайтда планетамиз аҳолисининг учдан бир қисми турли минтақаларда сув ресурсларига нисбатан ўта оғир муҳтожликни бошидан кечирмоқда. Ҳар куни ривожланаётган мамлакатлар болаларидан 6 минг нафари санитария – гигиена қоидаларига мутлоқо тўғри келмайдиган сув истеъмол қилинганликлари туфайли ҳалок бўлмоқда.

Ер юзидаги дарёларнинг ярмига яқини ифлосланган, уларнинг ресурслари тушиб бормоқда. Шунингдек ер шарида ботқоқликлар майдони ва ички сув ресурслари қисқармоқда.

Шу жумладан Орол денгизининг сатҳи ва майдони кескин қисқариб, бунинг оқибатида инсоннинг ўзи, наботот ва ҳайвонот дунёсига путур етмоқда ва экологик муаммоларни туғдирмоқда.

Буларнинг барчаси бир – бири билан узвий боғлиқдир. Планетамиздаги 2 млрд киши, яъни ер юзаси аҳолисининг учдан бир қисмининг ҳаёти ер ости сувлари ресурсларига боғлиқ. Айниқса Хитой, Ҳиндистон, Ғарбий Осиё, Араб ярим ороллари, собиқ Совет иттифоқи мамлакатлари ва бошқа минтақаларда ер ости сувлари захиралари кескин камаймоқда. Республикамизда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» қонун қабул қилинган.

Ҳукуматимиз сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан бир қаторда, уни муҳофаза қилиш тўғрисида қатор қарорлар қабул қилди. Кейинги йилиларда ифлосланган сувни тозаловчи кўплаб иншоотлар қурилди. Натижада, ифлосланган оқова сувлар миқдори кескин даражада қисқарди.

Ҳозирда республикамизда сув объектлари ҳолати мунтазам кузатилиб борилмоқда ва улар устидан қаттиқ назорат ўрнатилмоқда. Олинган маълумотларга мувофиқ қишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланиши 77% ни ташкил этади.

Ўзбекистон олимлари томонидан қуриб бораётган Орол ва Орол бўйида экологик хавфсизликни таъминлаш муаммоларини ҳал этиш, шунингдек ўта шўрланган, учувчан қум – тупроқ туз заррачаларининг зарарли таъсирини камайтириш, тузга чидамли ўсимликларни ўстириш, шамолга бардош бера оладиган мустаҳкам тупроқ тузилмаси ҳосил қилиш тавсиялари ишлаб чиқилди.

Сув муаммосига оид экологик хавфсизликни кучайтиришнинг ҳозирги асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Сувни тежайдиган янги технологияларни кенг жорий этиш ва замонавий усулларни қўллаш.
2. Катта – катта ҳудудлардаги табиий шароитларни тўлиқ ҳисобга олиш, табиий захиралардан самарали ва комплекс фойдаланиш. Бунинг учун атроф – муҳитни илмий асосланган тарзда ўзгартириш (дарёлар оқими, ернинг намини қочириш, сув чиқариш) ва бошқалар.

Атроф – муҳит, иқтисод соҳалари ва аҳолининг эҳтиёжлари йўлида сувлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида сув муносабатларини тартибга солиш қонуннинг асосий вазифаларидир.

Вилоятимизнинг гўзал ва бетакрор табиати қадим – қадимдан дунё аҳолисини мафтун этиб келган. Шу боис унинг атроф табиати, ҳайвон ва ўсимликлар дунёси ҳақида сайёрлар, олиму – фузалолар, қуйингчи бу ажойиб юртда қадами етган ҳар бир одам катта ҳавас билан фикрларини баён этганлар, кўплаб асарлар ёзиб қолдирганлар.

Истиқлол шарофати сабабли, она табиатимиз жон сақлаб қолди. Уни шафқатсизларча булғаш, кемириш, оёқ ости қилиш чек қўйилди. Борлиқ табиатимизни парвариш қилиш, эъзозлаш, аслига қайтариш, уни янада бойитиш асл мақсадга айлантирилди.

«Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан унумли фойдаланиш тўғрисида»ги ва шу каби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва қарорлари бу йўлдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Вилоятимиз ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақидаги гап кетаётган экан, бу мавзу ҳаммамизни хушёр торттириши зарур. Чунки, айрим ачинарли ҳолат юртимиз табиати меҳрли муносабатга муҳтож эканидан дарак беради. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра Зарафшон воҳасида кўпгина ўсимликлар ва ҳайвонот турлари йўқолиб кетган. Яна айримлари йўқолиш арафасида. Ҳозирги кунда вилоятимизда учрайдиган 44 – та ўсимлик ва 48 – та ҳайвон турлари Ўзбекистон «Қизил китобига» киритилган.

Шунингдек, вилоятимизда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш талаб даражасида эмас.

Айниқса, Зарафшон дарёси сув ҳавзасининг аҳоли, экологик ҳолати ва ўзгаришлари, уларнинг олдини олишга доир муҳим муаммоларга эътиборни қаратиши даркор. Инсоният ҳозирги даврга келиб ўзининг интеллектуал ва жисмоний имкониятларини тўлароқ ишга солиб, фан ютуқларидан самарали фойдаланиб, ўз эҳтиёжини ҳар томонлама тўлароқ қондириш, саломатлиги учун фаол курашиш, самарали меҳнат қилиш ва ўз авлодига нисбатан ғамхўрликни кучайтиришга эришди.

Шу билан бирга янги XXI аср экологик муаммонинг глобаллашуви билан тавсифланади. 2050 йили 12-13 млрд аҳоли яшайди.

Ер юзиде аҳоли сонининг ўсиши билан уларнинг табиий муҳитга салбий таъсири, муҳитнинг ифлосланиши ортиб боради, табиий ресурслар (бойликлар) кўплаб сарфланади, ифлос бўлади, инсон саломатлигига турли хавфлар туғилади.

### References:

1. И. Каримов – Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т. «Ўзбекистон, 1999
2. И. Каримов – инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш барча
3. ислоҳат ва ўзгаришларнинг бош мақсадидир»
4. (Вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маъруза. 2008 йил. 12II «Зарафшон »
5. Газетаси).
6. Алимов Т- Экологик таълим- тарбия. Т. 1997.
7. Исмоилов А- Экология тарбияси. Самарқанд, 2000 й.
8. Холлиев И.
9. Икромов А- Экология. Т 2001 й.
10. Эргашев А- Умумий экология Т. 2003 й.
11. EKOLOGIK XAVFSIZLIK. S.GAZINAZAROVA. I.AXMEDOV.
12. B.MUXAMEDGALIYEV. A.XOJIYEV TOSHKENT 2010.
13. «Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot» nomli ilmiy, masofaviy, onlayn konferensiya
14. O'zbekiston respublikasida atrof tabiiy muhitni muhofazasi va tabiiy resurslardan foydalanishning holati to'g'risida. Milliy ma'ruza. 2006.
15. Alixanov B. O'zbekistonning ekologik sharhi. Toshkent, 2008.
16. Ashixminoy T.Ya. Ekologicheskiy monitoring. Moskva. Alma Matyer, 2008.
17. ЕУРКОВ, А.В. I..QerrKHH eKOnOfH'IeCKaR" 6e30rracHoCTb. MOCKBa2003r.
18. BopOHKoB A.A. 06~aR" 3KOnorHR". MockBa. 2005
19. D. Yormatova. Sanoat ekologiyasi. Toshkent 2008.
20. D. Yormatova. Tabiiy fanlaming zamonaviy konsepsiyasi. Toshkent 2008

21. D.Yormatova. Ekologiya. Toshkent. 2009.
22. Yormatova. Ekologik monitoring. Toshkent 2011:
23. D.Yormatova. Ekologiya fanidan seminar mashg'ulotiari uchun qo'llanma.